

**Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги
ҳамда Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОІСА) ўртасидаги
Ўзбекистонда касбий кўникмаларни такомиллаштириш бўйича
ҳамкорликда амалга ошириладиган чора-тадбирлар тўғрисида
КЕЛИШУВ**

Ўзбекистонда касбий таълим соҳасида талабалар учун рақобатбардош муҳит яратиш бўйича ислохотларни янада такомиллаштириш заруриятини чуқур англаб, икки томоннинг ҳам ушбу масалада фаол иштироки ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўналишлари юзасидан келишиб олинди.

Хусусан, мазкур Келишув доирасида томонлар қуйидаги асосий вазифаларни белгилаб олдилар:

I. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

1. Ўзбекистонда касбий кўникмалар танловини мунтазам ва тизимли ўтказиб бориш, шунингдек, халқаро майдонларда бўлиб ўтадиган танловларда иштирок этиш ишларини мувофиқлаштириб боровчи уюшма фаолиятини ташкил этиш;

2. Вазирлик ва бошқа манфаатдор идоралар муассислигида «World Skills Uzbekistan» уюшмасини ташкил этиш;

3. Ўзбекистонда ёшларни касбий ўқитишнинг замонавий тизимини жорий этиш ва ривожлантириш мақсадида халқаро «World Skills International» уюшмасига қўшилиш;

4. «World Skills Uzbekistan» бошчилигида касбий кўникмалар бўйича миллий чемпионатни ўтказиш;

5. World Skills International (WSI) уюшмаси ва соҳанинг бошқа халқаро етакчи ташкилотлари методологияси бўйича ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ахборот технологиялари соҳаларида ишчиларни ўқитиш тизимини жорий этиш;

6. Юқорида кўрсатилган бандларни муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда барча амалий чораларни кўриб бориш.

II. Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОІСА):

1. Ўзбекистонда Республика касбий кўникмалар танловини юқори савияда ўтказилишини таъминлаш учун дастлабки қадам сифатида Корея Республикаси грантлари ҳисобига куриб битказилган Ишсизларни касб-хунарга ўқитиш марказлари ўртасида касбий кўникмалар танловинини ташкил этиш ва ўтказиш;

2. Танловни Ўзбекистондаги миллий касбий маҳорат танлови сифатида кенгайтиришга интилиш;


3. Танлов ёрдамида ўқувчиларнинг ўз касбий маҳоратларини намоиш этишга имкон яратиш, касб-хунарга бўлган қизиқишларини рағбатлантириш ва малакасини ошириш механизмларини такомиллаштириш;

4. Юқорида кўрсатилган бандлар ижроси юзасидан техник таълим

йўналишлари бўйича маслаҳат ва бевосита ёрдам кўрсатиш;


Юқорида қайд этилган вазифаларга томонлар ўзаро келишилган тартибда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси
Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири
ўринбосари



Б.Умурзаков

Ўзбекистондаги Корея Халқаро
Ҳамкорлик Агентлиги (KOICA)
офиси директори



Сон Сонг Иль